

Умму Исмоил - Ҳожар онамиз (учинчи мақола)



17:30 / 17.12.2020 3083

Буюк фидокорлик

Ҳожар интизорлик билан уйда турмуш ўртоқлари ва ўғилларини кутардилар. Тинимсиз дуо қилиб, йиғлаб, бу имтиҳонни енгил қилишини, ота-боланинг соғ-саломат қайтиб келишини Аллоҳдан сўрардилар. Уларнинг саломат қайтганларини кўриб нима ҳодиса бўлганига қизиқдилар. Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари бадалига Аллоҳ таоло жаннатдан бир қўчқорни чиқарганлигини, бу Унинг имтиҳони эканлигини, бу балодан озод қилганлигини айтиб аёлларини хурсанд қилдилар. Жаброил алайҳиссалом жаннатдан бир қўй олиб чиқиб, бола бадалига сўйишларини билдирганини айтдилар:

«Бас, қачонки, иккиси ҳам (Аллоҳнинг ваҳийсига) **бўйинсуниб**, (энди Иброҳим ўз ўғли Исмоилни қурбон қилиш учун) **пешонаси билан** (ерга) **ётқизган эдики, Биз унга нидо қилдик:** «Эй Иброҳим, дарҳақиқат сен (кўрган) **тушингни рост-бажо қилдинг».** Албатта **Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. Албатта бу** (яъни, Иброҳимнинг ўз ўғлини қурбон қилишга буюрилиши) **очиқ-равшан имтиҳондир, холос. Биз** (Исмоилнинг) **ўрнига** (Иброҳимга) **катта бир** (қўчқор) **сўйишни - қурбонлиқни эваз қилиб бердик** (яъни, катта бир қўчқорни жаннатдан туширдик)». (Вас-соффот сураси, 103-107-оятлар).

Ҳожар хурсанд бўлиб Аллоҳга шукр қилдилар. Қўчқорнинг гўштидан ўзлари ҳам едилар, фақирларга ҳам тақсим қилдилар.

Ҳожарнинг вафотлари

Ҳожар ўғиллари Исмоил билан узоқ яшадилар. Исмоил катта йигит бўлиб, араб қизларидан бирига уйландилар. У киши оталари Иброҳим алайҳиссалом билан Каъбатуллоҳни қурдилар. Ҳожар эрлари ва ўғиллари билан ҳаж маносикларини бажардилар, Каъбани тавоф этдилар, ҳаж қилдилар. То умрлари тугагунча Каъбани кеча ва кундуз тавоф қилдилар. Эрларига итоатли, мўмина, кучли иймон соҳибаси 90 ёшларида шу ерда вафот этдилар ва Каъбатуллоҳ атрофига дафн қилиндилар.

(Тамом)

«Мўминалар силсиласи» китобидан